



ИККИ ҚАВАТЛИ ТРИКОТАЖ ТҮҚИМАЛАРИНИНГ ФИЗИК-МЕХАНИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ.

Ф.ф.д.(PhD), доц. Д.Ҳ.Убайдуллаева, доктарант **М.Ф.Аҳмедова**, талаба
Н.Ортиқова

Тошкент түқимачилик ва енгил саноати институти

Трикотаж саноатининг муҳим ва долзарб муаммоси маҳсулот сифатини ошириш, ассортимент турларини кенгайтириш, истеъмол талабини қондиришдан иборат. Назарий жиҳатдан бу муаммонинг ечими трикотаж тўқув назариясини янада ривожлантириш, трикотажнинг янги турларини яратиш, трикотаж хоссалари бўйича оптимал параметрларга эга бўлган юқори самарали тўқиши жараёнларини ишлаб чиқариш ётади. Трикотаж матоларнинг янги ассортиментларини яратишда энг истиқболли йўналишдан бири икки қаватли трикотаж ишлаб чиқаришдир. Икки қаватли трикотаж тўқимасида битта ип тўқима ўнг юзасида иккинчи ип тўқима чап юзасида тўқилади. Бу тўқималар асосан устки трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланилади.

“LONG XING” русумли электрон бошқарувга эга бўлган 10 класс ясси игнадонли трикотаж машиналарининг технологик имкониятларидан самарали фойдаланиб олинган икки қаватли трикотаж тўқималари янги 4 та вариантларининг сифат кўрсаткичлари тадқиқ қилиниб, тўқима тузилишининг ўзгариши хомашё сарфига, фойдаланиш жойи ва муддатига таъсири ўрганилди.

Ишлаб чиқилган тўқималарнинг таркиби 100 % ПАН 32x2 тексли ип ташкил қиласи. Намуналар бири-биридан тузилиши билан фарқланади.

Тажриба учун олинган намуналар ГОСТ 10681 бўйича климатик шароитда 24 соат сақланди

Трикотаж тўқимасининг ўнг ва тескари қатламлари чизиқий зичлиги 32текс x 2 бўлган полиакрилонитрил калава ипдан шакллантирилган глад тўқимасидан олинган.

Тақдим этилган икки қатламли трикотаж тўқима вариантларидан намуналар ГОСТ 8844 талаби бўйича олинди ва технологик кўрсаткичлари, физик-механик



хусусиятлари стандарт усул бўйича ТТЕСИ қошидаги “CentexUz” сифат лабораториясида аниқланди, олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-Жадвал


Икки қатламли трикотаж тўқимасининг технологик қўрсаткичлари

Кўрсаткичлар		Вариантлар			
		I	II	III	IV
Ипларнинг тури ва чизиқли зичлиги, текс	Олд қатлам	ПАН32,5 текс x2	ПАН32,5 текс x2	ПАН32,5 текс x2	ПАН32,5 текс x2
	Орқа қатлам	ПАН35 текс x2	ПАН35 текс x2	ПАН35 текс x2	ПАН35 текс x2
Ҳалқа қадами, А (мм)		2,0/2,0	1,60/1,42	2/1,66	1,66/1,25
Ҳалқа қатори баландлиги В(мм)		1,25/1,25	1,11/1,0	1,11/1,0	1,66/1,25
Горизонтал бўйича зичлик, Р _г (50 мм даги ҳалқалар сони)		25/25	30/35	25/30	30/40
Вертикал бўйича зичлик, Р _в (50 мм даги ҳалқалар сони)		40/40	45/50	45/50	30/40
Ҳалқа ипи узунлиги (мм)	Олд қатлам	1,19	0,61	0,60	1,5
	Орқа қатлам	1,11	0,55	0,64	1,29
Трикотажнинг юза зичлиги,Ms(g/m^2)		383,0	472,6	465,5	440,2
Қалинлик, Т(мм)		1,8	2,0	2,1	1,75
Ҳажмий зичлик, δ (mg/cm^3)		212,7	236,3	221,6	251,5
Абсолют енгиллик, Δδ(mg/mm^3)		-	23,6	8,9	38,8
Нисбий енгиллик,θ (%)		-	11	4	18

Икки қатламли трикотаж тўқималарининг ҳажмий зичлигини ўзаро таққослаш асосида шундай хуносага келиш мумкинки, бунда I вариант икки қатламли трикотаж тўқимасининг юза зичлиги 383,0 g/m^2 ва қалинлиги 1,8мм бўлганда, ҳажмий зичлиги 212,7 mg/mm^3 ни ташкил этди, шу вариант тўқимага нисбатан бошқа тўқималар солиштирилганда II вариант икки қатламли трикотаж тўқимасининг юза зичлиги 472,6 g/m^2 ва қалинлиги 2,0 мм бўлиб, ҳажмий зичлиги 236,3 mg/cm^3 ни ташкил этди, III вариант икки қатламли трикотаж тўқимасининг юза зичлиги 465,5 g/m^2 ва қалинлиги 2,1 мм бўлганда, ҳажмий зичлиги 221,6 mg/cm^3 ни



ташкил этди, IV вариант икки қатламли трикотаж намунасининг юза зичлиги 440,2 г/м² ва ҳажмий зичлиги 1,75 мм бўлиб, ҳажмий зичлиги эса 251,5 мг/см³ ни ташкил қилди (1-расм).



1-расм. Икки қатламли трикотажнинг юза ва ҳажм зичлигини ўзгариши гистограммаси

1-жадвалда тақдим этилган технологик кўрсаткичлар бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, икки қатламли трикотаж тўқима намуналарини ҳажмий зичлик кўрсаткичи бўйича ўзаро қиёсий таққосланганда, икки қатламли трикотаж тўқимасининг I вариант намунаси энг кичик ҳажмий зичлик кўрсаткичига эга бўлди, бу ерда трикотаж тўқимаси олд ва орқа игнадон игналарида ажурли трикотаж ҳалқа қаторларини тўқиши йўли билан амалга оширилди.

Ишлаб чиқарилган тўқима намуналарининг физик-механик хусусиятлари аниқланди ва натижалар 2-жадвалда келтирилди.


2-жадвал
Икки қатламли трикотаж тўқималарининг физик-механик кўрсаткичлари


Кўрсаткичлар		Вариантлар				ГОСТ
		I	II	III	IV	
Ипларнинг тури ва чизиқли зичлиги, текс	Олд қатлам	ПАН 32,5 текс x2	ПАН32,5 текс x2	ПАН 32,5текс x2	ПАН 32,5 текс x2	
	Орқа қатлам	ПАН 35текс x2	ПАН 35текс x2	ПАН 35 текс x2	ПАН 35 текс x2	
Ҳаво ўтказувчанлик	B, см ³ /см ² .сек	180,9	99,6	95,5	98,2	ГОСТ 12088-77 30 -100
Иссиқлик сақлаш хусусияти		26%	37,5%	38%	28%	28%
Ишқаланишга чидамлилик	И, минг айланада	28500	35000	36000	32500	ГОСТ 16486-93 30-60
пиллинг		-	-	1	12	
Киришиш K %	Бўйлама	0,8	1,4	1,6	1,2	ГОСТ 26667-85 Кўпи б-н 5-8%
	Кўндаланг	1,5	2	1,8	2	Кўпи б-н 8-10%
Узилиш кучи, P, N	Бўйлама	289,76	354,66	452,665	479,26	479,26
	Кўндаланг	415,4	321,73	363,435	301,03	301,03

Икки қатламли трикотаж тўқима намуналарининг ҳаво ўтказувчанлик кўрсаткичи трикотажнинг тўқима тузилишини ўзгариши ҳисобига 180,9 дан то 95,5 см³/см².сек гача ўзгарди, яъни ҳаво ўтказувчанлик 48% га ўзгарди (2-жадвал). Икки қатламли трикотаж тўқима вариантиларини иссиқлик сақловчанлик кўрсаткичи бўйича ўзаро таққослаб қўриш натижасида III вариант намунаси бошқа вариант намуналарига нисбатан энг юқори иссиқлик сақловчанлик кўрсаткичига эга бўлган намуна деб топилди ва 38% ни ташкил этди.

Ҳаво ўтказувчанлик хусусияти деб, материалларнинг ўз таркибидан ҳавони ўтказишига айтилади.

Трикотажни ҳаво ўтказувчалигини ўзгаришини тўқиманинг тузилиш усулига, тўқиманинг ғоваклигига, ғовак шакли ва улушига боғлиқлиги билан тушунилади.

Ҳаво ўтказувчанлиги $\text{sm}^3/\text{sm}^2\text{sek}$



2-расм. Икки қатламли триотаж тўқималарининг ҳаво ўтказувчанлигини ўзгариши

Икки қатламли триотаж тўқимасининг ушбу варианatlari орасида

III-вариант намунаси энг юқори ишқаланишга чидамлилик кўрсаткичига эга бўлди ва 36 минг айланадан даврдан иборат бўлди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, икки қавватли триотаж тўқималар тузилишини ўзгартириш натижасида юза зичлиги ва ҳажм зичлигининг ўзгариши, бундан эса тўқималар енгиллик кўрсаткичини таҳлил қилиш, тўқима тузилишининг мустаҳкамлигининг ўзгаришини кўрсатди. Ушбу тўқималарни енгиллик кўрсаткичи бўйича устки триотаж маҳсулотларининг ҳар хил турларига тавсия этиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

- Д.Х. Убайдуллаева, М.Б. Жуманиязов. Физико-механического свойство нового футерного триотажа Ж. "Экономика и социум" Россия 2022.
- D.Kh. Ubaydullayeva,R.A. Begmanov,I.V. Abdurasulov Z.A.Djalilova, D.T. Nazarova Quality Assessment and Forecasting the Properties of Press Weaving Knitting. International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology 2022/1 18828-18831



3. Z. F.Valieva, A.A.Akhmedov, T.Ochilov, D.Ubaydullaeva, Sh. A. K. Possibility to Use Acoustic Device Pam-1 to Determine Quality Characteristics of Wool Fiber. Received 25 2021/5/8 10166 – 10173
4. Ю.С. Шустов. Основы текстильного материаловедения. –М.: ООО «Совъяж Бево», 2007.
5. 1. N.Hanhadjaeva, M.Mukimov “Flat knitting interlock structures” Indian Textile Journal №1.14-18 бет. www.indiantextilejournal.com
6. Ubaydullaeva D. X. et al. Change efficiency of cleaning cotton from small and large pollutions //International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. – 2020. – Т. 7. – №. 9. – С. 14781-14784.
7. Убайдуллаева Д. Х., Валиева З. Ф., Бегманов Р. А. ПРИМЕНЕНИЕ УПРАВЛЕНИЯ КАЧЕСТВОМ ПРОДУКЦИИ ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ //Экономика и социум. – 2022. – №. 9 (100). – С. 647-653.
8. Ubaydullaeva D. X. et al. Mechanical Damage and Twisting of Cotton Fiber by Different Selection Varieties.
9. КОМПЛЕКСНАЯ ОЦЕНКА НОВОГО ФУТЕРНОГО ТРИКОТАЖА Убайдуллаева Д. Х., Абдурахимова М. М., Ишанова З. Р., Ортикова Н. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6379489>

